

Куръони Карим хидоят раҳбаридир. Хар ким унинг билан йўлида давом этса, маънан ва моддий жихатдан юксакликка эришади. Ундан беҳабар қолиш эса қоронғу зулматда йўлидан адашиб қолиш демақдир.

Яхшиликларнинг энг аълосини Куръони Карим амр этади, ёмонликнинг хар қандайдан қайтаради.

Куръони Каримда кўплаб амр бўлиб, улар инсонни яхшиликка буюради, бу «амри бил маъруф» деб номланади. Куръони Каримдаги айрим оятлар инсонни ёмонликдан қайтаради ва бу «наҳйи мункар» деб номланади. Яна Куръони Каримда набийлар ва солихлар ҳаётига алоқадор ибрат ва ҳикоялар бордирки, улар инсонлар учун ўрнак моҳиятидадир. Куръони Каримдаги оятларда ҳалол ва ҳаром ажратилиб, инсонларга сабоқ берилади. Аллоҳ таолога дуо қилиш ва Унга тасбеҳ келтиришни буюрувчи оятлар эса банданинг энг асосий вазифасини эслатиб туради. Куръони Каримнинг 6666 ояти инсоният учун хидоят нурларидир.

Бақара сурасининг 2-,3-оятларида:

«Ушбу Қитоб (Куръон) шубҳадан холи ва (у шундай) такводорлар учун хидоят манбаидирки, улар (Мухаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) келтирган хабарларга) гойибона иймон келтирадиган, намозни барқамол ўқийдиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан (садақа ва) эҳсон қиладиганлардир» деб марҳамат қилинади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳам «Хайрлиларингиз Куръонни ўрганувчи ва ўргатувчиларингиздир», деб марҳамат қилганлар. Хуллас, дарахтни ўстурувчи ва уни озиклантирувчи тупроқ бўлганидек, инсонни улғайтирувчи ҳамда озиклантирувчи Куръони Каримдир. Унга эътиқод ва амал қилганлар саодат ва бахтга эришади.